

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 530-ҳадис

530/988 – حَدِيثُ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا فِي أَمْرِ الْحَشْبَةِ، تَقَدَّمَ، وَزَادَ فِي هَذِهِ الرَّوَايَةِ قَالَتْ:

فَرَجَرَهُمْ عُمَرُ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «دَعُوهُمْ، أَمْنَا بَنِي أَرْفَدَةَ».

530.988 Оиша розияллоху анҳо айтади:

«Эсимда, Набий соллаллоху алайҳи васаллам мени тўсиб турар, мен эса масжидда ўйин тушаётган ҳабашларни томоша қилар эдим. Умар уларга пўписа қилди. Шунда Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Уларни тек қўй. Безовталанманглар, Бану Арфида!»** дедилар». Яъни эминлик билан.

Изоҳ: Бу ерда «безовталанманглар» деб таржима қилинган «амнан» сўзи «иймон» сўзидан эмас, балки «омонлик», «эминлик» маъносидаги «амн» сўзидан ясалганига ишора қилинмоқда.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI